

**ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSC.04/30.12.2019.FAR.32.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ**

**САДИКОВА РАЪНОХОН КАРИМОВНА**

**САМАРҚАНД БЎЗНОЧИ ҚУРУҚ ЭКСТРАКТИНИ ОЛИШ ВА УНИНГ  
АСОСИДА КАПСУЛА ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**15.00.01- дори технологияси**

**ФАРМАЦЕВТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент -2024**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of the abstract of philosophy dissertation (PhD)**

**Садикова Раънохон Каримовна**

Самарқанд бўзночи қуруқ экстрактини олиш ва унинг асосида капсула технологиясини ишлаб чиқиш..... 3

**Садикова Ранохон Каримовна**

Получение сухого экстракта бессмертника самаркандского и разработка технологии капсул на его основе..... 21

**Sadikova Ranokhon Karimovna**

Obtaining dry extract of samarkand immortelle and development of capsule technology based on it..... 39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 43

**ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSC.04/30.12.2019.FAR.32.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ**

**САДИКОВА РАЪНОХОН КАРИМОВНА**

**САМАРҚАНД БЎЗНОЧИ ҚУРУҚ ЭКСТРАКТИНИ ОЛИШ ВА УНИНГ  
АСОСИДА КАПСУЛА ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**15.00.01- дори технологияси**

**ФАРМАЦЕВТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент -2024**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.1.PhD/Far88 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент фармацевтика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси ([www.pharmi.uz](http://www.pharmi.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Кариева Ёкут Саидкаримовна**  
фармацевтика фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Тўхтаев Хаким Раҳманович**  
фармацевтика фанлари доктори, профессор

**Халилов Равшанжон Муратджанович**  
техника фанлари доктори, етакчи илмий ходим

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент кимё-технология институти**

Диссертация химояси Тошкент фармацевтика институти хузуридаги DS<sub>04/30.12.2019.Far.32.01</sub> рақамли Илмий кенгашнинг 2024 йил «6» Март соат 15 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100015, Тошкент ш., Миробод тумани, Ойбек кўчаси, 45-уй. Тел.: (+99871) 256-37-38; факс: (+99871) 256-45-04; e-mail: [info@pharmi.uz](mailto:info@pharmi.uz)).

Диссертация билан Тошкент фармацевтика институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (53 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100015, Тошкент ш., Миробод тумани, Ойбек кўчаси, 45-уй. Тел.: (+99871) 256-37-38.

Диссертация автореферати 2024 йил «19» Февраль куни тарқатилди.  
(2024 йил «19» Февраль даги 53 рақамли реестр баённомаси).



**К.С.Ризаев**  
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, т.ф.д.

**Н.С.Нормахаматов**  
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби в/б, к.ф.д., кат.и.х.

**Ф.Ф.Урманова**  
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, фарм.ф.д., профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра, дунёда 60 ёшдан 70 ёшгача бўлган ҳар тўртинчи, 70 ёшдан кейин эса ҳар учинчи инсоннинг ўт пуфагида тошлар бор. Овқат ҳазм қилиш тизими касалликлари таркибида холелитиаз 15-20% ни ташкил қилади ва 30% ҳолларда жарроҳлик шифохоналарига ётқизиш сабаби ҳисобланади. Шунинг учун ушбу касалликни даволаш ва олдини олиш мақсадида доривор ўсимликлар асосида ишлаб чиқариладиган дори воситалар ва биологик фаол қўшимчалар (БФҚ) ассортиментини кенгайтириш, сифат меъёрларини белгилаш, уларнинг самарадорлигини исботловчи фармакотерапевтик тадқиқотларни ўтказиш муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳон миқёсида «фармацевтик ремейк» йўналиши, яъни халқ табobatiда кенг қўлланиб келаётган ўсимликларни ҳар томонлама ўрганиш, уларни расмий тиббиётда қўллашни асослаш, шунингдек, субстанциялар, дори воситалари ва БФҚни фармацевтика ишлаб чиқаришга жорий этиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада доривор ўсимликлар таркибидаги биологик фаол моддаларни тўлиқ ажралиб чиқишини таъминловчи технологияларни ишлаб чиқиш, олинган маҳсулотнинг сифатини меъёрий ҳужжатлар талабларига мослигини текшириш ҳамда турғунлигини таъминлашга қаратилган тадқиқотларга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда фармацевтика соҳасида олиб борилаётган ислохотлар натижасида шифобахш ўсимликларни маданийлаштириш ва етиштириш мақсадида плантацияларни ташкил қилиш, уларнинг кимёвий таркибини ўрганиш, биологик фаол моддаларнинг асосий гуруҳларини ажратиб олиш, дори воситалари ва БФҚ учун ресурс ва энергия тежовчи хавфсиз технологияларни ишлаб чиқиш бўйича муайян натижаларга эришилмоқда. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг 22-мақсадида «Фармацевтика саноати маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 3 баравар кўпайтириш ва маҳаллий бозорни таъминлаш даражасини 80 фоизга етказиш»<sup>1</sup> каби муҳим вазифалар белгиланган. Бу борада, маҳаллий хомашё асосида импорт ўрнини босувчи, иқтисодий жиҳатдан қулай дори воситалар ҳамда БФҚ ассортиментини кенгайтириш, уларнинг терапевтик фаоллиги ва безарарлигини исботлаш ҳамда фармацевтик корхоналар томонидан ишлаб чиқилишини йўлга қўйиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 апрелдаги «Ёввойи ҳолда ўсувчи доривор ўсимликларни муҳофаза қилиш, маданий ҳолда етиштириш, қайта ишлаш ва мавжуд ресурслардан оқилона

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60-сон Фармони

фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ-4670-сон, 2020 йил 10 апрелдаги «Ўзбекистон Республикасида халқ таъбиотини ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ПҚ-4668-сон, 2020 йил 26 ноябрдаги «Доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш, уларни уруғчилигини йўлга қўйишни ривожлантириш бўйича илмий тадқиқотлар кўламини кенгайтиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4901-сон қарорлари, 2022 йил 21 январдаги «2022-2026 йилларда республиканинг фармацевтика тармоғини янада жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-55-сон фармони ва мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Доривор ўсимликлар асосида турли агрегат ҳолдаги экстрактларни олишда биологик фаол моддаларни ажралиб чиқишига таъсир этувчи омилларни ўрганиш, ушбу экстрактларни стандартлаш, улар асосида дори воситалар ва биологик фаол қўшимчалар ишлаб чиқиш, турғунлигини аниқлаш бўйича республикамиз етакчи олимлари З.А.Назарова, У.М.Азизов, М.У.Усуббаев, Х.М.Комилов, Ф.Ф.Урмановаларнинг илмий изланишлари катта аҳамият касб этади. Самарқанд бўзночи ўсимлигининг фармакогностик ўрганиш ва фитокимёвий таҳлил қилиш бўйича тадқиқотлар Х.Х.Холматов, ўсимликнинг анатомик тузилишини аниқлаш эса – О.К.Хожиматов томонидан олиб борилган.

Дунё миқёсида ўсимлик экстрактларини олиш усулларини яратиш ва солиштирма таҳлилни олиб бориш, олинган ажратмаларни сифатини баҳолашда замонавий усулларни қўллаш, ҳамда улардан субстанция сифатида фойдаланиб, дори препаратлари ва озуқага қўшимчаларни яратиш борасида A.Velmurugan, P.S.Milić, K.M.Rajković, Y.Gong, Z.Hou, E.Noumi, P.C.Oliveira, R.S. Eshwarappa, C.A.Минина, E.B.Гладух, E.B.Флисюк, И.Е.Каухова, А.С.Кухтенко, В.В.Сорокин, А.М.Сампиев, E.Г.Горячкиналарнинг илмий изланишларини эътироф этиш лозим. Бўзночилар (*Helichrysum*) оиласига мансуб ўсимликларни тарқалишини аниқлаш, кимёвий таркибини ўрганиш, таркибидаги полифенол бирикмаларни ажратиб олиш ва таҳлил қилиш, уларни фармакологик хусусиятларини аниқлаш борасидаги кенг қамровли тадқиқотлар T.Moricawa, K.Ninomiya, J.Akaki, N.Kakihara, Y.Matsumoto, S.Nakamura, H.Matsuda, A.C.Gradinaru, M.Silion, A.Trifan, A.Miron, A.C.Aprotosoae, M.Aslyanyan, H.A.Наволокин, В.В.Тонковцева, Г.Н.Маслякова, К.А.Камал, В.И.Литвиненко, А.Б.Бучарская, Я.А.Куликова, С.А.Тычина, E.B.Авдеева, А.В.Куркина, В.М.Рыжов томонидан олиб борилган.

Мазкур диссертация иши самарқанд бўзночи хомашёси асосида сафро ҳайдовчи таъсирга эга қуруқ экстракт (ҚЭ) олишнинг мўътадил

шароитларини танлаш, уни сифат меъёрлари ва яроқлилик муддатини белгилаш, ҳамда унинг асосида биологик фаол қўшимча таркиби ва технологиясини ишлаб чиқиш бўйича биринчи илмий изланиш ҳисобланади.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент фармацевтика институтининг «Маҳаллий доривор ўсимлик ва координацион бирикмалар асосида оригинал дори воситаларини ишлаб чиқиш ва тиббиёт амалиётига татбиқ этиш» мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари режаси ва IL-402104239-сон «Маҳаллий доривор ўсимлиги самарқанд бўзночи (*Helichrysum maracandicum* L.)дан сафро хайдовчи таъсирга эга янги дори препаратлари яратиш учун субстанция ва биологик фаол қўшимча олиш технологиясини ишлаб чиқиш» номли амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади.** Самарқанд бўзночи хомашёсидан сафро хайдовчи таъсирга эга қуруқ экстракт олиш ва унинг асосида капсула шаклидаги биологик фаол қўшимча технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

маркетинг изланишлар ҳамда адабиётлар таҳлили натижаларига асосан сафро хайдовчи таъсирга эга маҳаллий хомашёлар асосидаги дори воситалар ва биологик фаол қўшимчаларни ишлаб чиқишнинг долзарблигини илмий асослаш;

тажрибаларни математик моделлаштириш усулида самарқанд бўзночи (СБ) хомашёси таркибидаги биологик фаол моддаларнинг ажралиб чиқишига таъсир қилувчи омилларни ўрганиш натижаларига асосан ҚЭ технологиясини ишлаб чиқиш;

амалдаги меъёрий ҳужжат талабларига асосан СБ ҚЭнинг сифатини баҳолаш, нам ютиш кинетикасини ҳамда аминокислотали ва элемент таркибини аниқлаш, яроқлилик муддати ва сақланиш шароитларини белгилаш;

СБ ҚЭ асосида капсула шаклидаги биологик фаол қўшимча таркиби ва технологиясини илмий асосланган ҳолда ишлаб чиқиш;

таклиф этилаётган биологик фаол қўшимчанинг сифат меъёрларини белгилаш ҳамда турғунлигини ўрганиш бўйича тадқиқотлар олиб бориш;

СБ ҚЭ учун меъёрий ҳужжатларни тайёрлаш ва ишлаб чиқариш ҳамда тиббиёт амалиётида қўллашга рухсат олиш мақсадида ЎзР ССВ ҳузуридаги «Фармацевтика маҳсулотлари хавфсизлиги Маркази» Давлат муассасаси (аввал «Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартлаштириш давлат маркази» ДУК)га тақдим этиш;

капсула шаклидаги биологик фаол қўшимча учун меъёрий ҳужжатларни тайёрлаш ва тасдиқлатиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида СБ ҚЭ ва унинг асосида ишлаб чиқилган капсула шаклидаги биологик фаол қўшимча олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** сафро ҳайдовчи таъсирга эга ҚЭ ва унинг асосида капсула шаклидаги биологик фаол қўшимча олиш технологиясини ишлаб чиқиш, сифат меъёрларини белгилаш, яроқлилик муддатини аниқлаш ҳамда тегишли меъёрий ҳужжатларни тайёрлашдан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотларни олиб боришда замонавий технологик, физикавий, физик-кимёвий, биофармацевтик, фармакологик усуллардан ва замонавий компьютер дастурларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор СБ гулларида флавоноидлар йиғиндисини экстракция қилиш учун мақбул шароитлар математик режалаштириш усули ёрдамида аниқланган ва куруқ экстракт олиш технологияси ишлаб чиқилган;

илк бор СБ ҚЭнинг элемент ҳамда аминокислотали таркиби аниқланиб, субстанция юқори биологик қийматга эгаллиги ҳамда аминокислоталар, макро- ва микроэлементларнинг қимматли манбаи эканлиги исботланган;

СБ ҚЭнинг нам ютиш кинетикаси, технологик ва структура-механик хоссаларини аниқлаш натижасида капсула шаклидаги БФҚ таркиби танланган ва мақбул технологияси ишлаб чиқилган;

СБ ҚЭ ва унинг асосидаги БФҚнинг сифат ва миқдор кўрсаткичлари аниқланиб, меъёрий ҳужжатларда кўрсатилган талабларга мувофиқлиги исботланган;

СБ ҚЭнинг сафро ҳайдовчи таъсири ва хавфсизлиги аниқланган ва унинг самарадорлиги солиштирма препарат «Артишок»дан кам эмаслиги тажрибаларда исботланган

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

СБ ҚЭ ва унинг асосида ишлаб чиқилган капсула шаклидаги биологик фаол қўшимчанинг сақланиш шароитлари ва яроқлилик муддатлари асосланган;

СБ ҚЭни олиш технологияси саноат миқёсида синовдан ўтказилган ва олинган натижалар асосида тажриба-саноат регламенти ишлаб чиқилиб, тасдиқланган;

илмий тадқиқот натижасида сафро ҳайдовчи таъсирга эга СБ ҚЭ учун меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқотда олинган натижалар замонавий физик-кимёвий (спектрофотометрия, ЮССХ, индуктив боғланган плазмали масс-спектрометрия), технологик, биофармацевтик, фармакологик текширувлар асосида тасдиқланган. Ўтказилган тадқиқотлар тажриба саноат ишлаб чиқариш жараёнида синовдан ўтган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти маҳаллий хомашё - самарқанд бўзочидан (*Helichrysum maracandicum* L.) сафро ҳайдовчи таъсирга эга куруқ экстракт олишнинг мўътадил усулини ишлаб чиқилганлиги, у асосида капсула шаклидаги биологик фаол қўшимчанинг таркиби танланиб, технологияси яратилганлиги ҳамда уларнинг сифат меъёрлари белгиланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олинган куруқ экстракт учун тажриба саноат регламенти тасдиқланганлиги, шунингдек «MALIKA LABORATORIES» МЧЖ билан ҳамкорликда меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилганлиги ва тиббиёт амалиётига татбиқ этиш мақсадида «Фармацевтика маҳсулотлари хавфсизлиги Маркази» Давлат муассасасига тақдим этилганлиги, капсула шаклидаги биологик фаол қўшимча учун эса Техник шартлари ва уни ишлаб чиқариш бўйича Технологик йўриқнома ишлаб чиқилганлиги ҳамда тасдиқланганлиги билан изоҳланади. Бу эса сафро ҳайдовчи таъсирга эга импорт ўрнини босувчи дори воситалар ва биологик фаол қўшимчалар ассортиментини кенгайтиришга хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Самарқанд бўзночи куруқ экстрактини олиш ва унинг асосида капсула технологиясини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Самарқанд бўзночи гуллари куруқ экстракти» учун корхона фармакопоя мақоласи лойиҳаси ЎзР ССВ ҳузуридаги «Фармацевтика маҳсулотлари хавфсизлиги Маркази» Давлат муассасасига рўйхатдан ўтказиш учун топширилган («Фармацевтика маҳсулотлари хавфсизлиги Маркази» Давлат муассасасининг 2023 йил 27 мартдаги 29/01-431-сон хати, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 15 октябрдаги 8н-3/280-сон хати). Ушбу меъёрий ҳужжатнинг тасдиқланиши самарали сафро ҳайдовчи дори воситасини ишлаб чиқариш имконини беради;

самарқанд бўзночи куруқ экстракти асосидаги биологик фаол қўшимча учун Техник шартлар (Ts 25201521-07:2023) ҳамда уни ишлаб чиқариш бўйича Технологик йўриқнома (ТИ 25201521-07:2023) Ўзбекистон Республикаси санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси томонидан тасдиқланган. Натижада «МАКРО FARM ANDIJAN» МЧЖда капсула шаклидаги биологик фаол қўшимчани ишлаб чиқариш имконини берган;

самарқанд бўзночи куруқ экстракти учун тажриба саноат регламенти «MALIKA LABORATORIES» МЧЖ билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган ва тасдиқланган (ОПР 03873/04610617-1097-2023). Мазкур ҳужжатнинг тасдиқланиши натижасида сафро ҳайдовчи дори воситаси учун меъёрий ҳужжатларни ўрнатилган тартибда ишлаб чиқилиши ва рўйхатга олиниши таъминланган;

ўтказилган клиник олди синовлар натижасида самарқанд бўзночи куруқ экстрактининг специфик фармакологик фаоллиги ҳамда ўткир захарли эмаслиги исботланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 15 октябрдаги 8н-3/280-сон хати). Натижада ишончли сафро ҳайдовчи фаолликга эга безарар дори воситаларни ишлаб чиқариш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокама қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 13 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон

Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 111 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Сафро ҳайдовчи дори воситалари ва биологик фаол кўшимчаларни ишлаб чиқиш учун доривор ўсимликлардан фойдаланиш имкониятлари**» номли биринчи бобида тиббиёт ва фармацевтикада бўзночи (*Helichrysum*) оиласига мансуб ўсимликлардан фойдаланиш истиқболлари, ўсимлик экстрактларини олишни замонавий усуллари, уларни сифатини назорат қилиш, фармакологик таъсирини ўрганиш, ҳамда ушбу ажратмалар асосида олинадиган дори шакллари ҳақида маълумотлар келтирилган. Шунингдек, ушбу бобда биологик фаол кўшимчаларни таърифи, таснифи, бугунги кунда ишлаб чиқарилиш шакли ва таркибидаги асосий моддалар табиати ёритилган.


Шу билан бирга биринчи бобда ЎзРнинг 2017–2022 йиллардаги дори воситалари ва тиббиёт буюмлари Давлат Реестрида қайд этилган сафро ҳайдовчи дори воситаларнинг таҳлил натижалари келтирилган. Тадқиқотлар давомида ушбу фармакотерапевтик гуруҳни рўйхатга олинган дори воситаларининг умумий сони ҳисоблаб чиқилди, ишлаб чиқарувчи мамлакатлар, дори шакли ва фаол модданинг табиати бўйича улушлар аниқланди. Бунда ҳам маҳаллий фармацевтика корхоналарида ишлаб чиқарилаётган, ҳам МДХ ва хорижий давлатлардан олиб келинган дори воситалар кўриб чиқилди.

Таҳлил натижаларига кўра, ушбу фармакотерапевтик гуруҳ дори воситаларининг асосий қисми маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан рўйхатга олинган: таҳлил қилинган 6 йил давомида – 72,3% дан 81,5% гача. МДХ мамлакатларида ишлаб чиқарилган дори воситалари сони 12,3% дан 16,7% ни ташкил қилган. Хорижий ишлаб чиқарувчиларнинг сафро ҳайдовчи дори воситаларини улуши таҳлил қилинган даврда 10% дан ошмади.

Бироқ, реестрда маҳаллий сафро ҳайдовчи дори воситалар юқори фоизни ташкил қилишига қарамай, дори шакли бўйича олиб борилган таҳлил

натижалари (1-расм) ушбу миқдорнинг  $\frac{3}{4}$  қисмидан кўпроғи ўсимлик хом ашёси кўринишида тақдим этилганлигини кўрсатди, бу эса беморларга қабул қилишда ноқулайлик туғдиради. Шу билан бирга, хорижий давлатлар ва МДХ давлатларида ишлаб чиқилган препаратлар тўғридан-тўғри қабул қилишга мўлжалланган тайёр қаттиқ ва суюқ дори шакллари кўринишидадир.

Юқорида келтирилган маълумотлар кенг қўлланиладиган ўсимлик хом ашёлари асосида бемор учун қулай, белгиланган яроқлилик муддати давомида сифатни сақланишини таъминлайдиган, оммабоп дори шаклида сафро хайдовчи препаратларни ишлаб чиқиш ва корхоналар амалиётига жорий этиш бўйича тадқиқотлар олиб боришнинг мақсадга мувофиқлигини кўрсатди.



**Расм 1. Ўзбекистон Республикасида рўйхатга олинган сафро хайдовчи препаратларни дори шакли бўйича таҳлили**

Диссертациянинг «Самарқанд бўзочси (*Helichrysum maracandicum* Poroв ex Kirp.) қуруқ экстракти технологиясини ишлаб чиқиш» деб номланган иккинчи бобида тажрибаларни математик режалаштириш усули ёрдамида СБ гулларини экстракция қилиш шароитларини илмий асослаш, олинган ҚЭнинг сифат меъёрларини белгилаш, гигроскопиклик даражасини, ҳамда элемент ва аминокислотали таркибини ўрганиш бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари келтирилган.

СБ ҚЭ технологиясини ишлаб чиқишда КФМ 42 Уз 20841919-2308-2018 талабларига жавоб берадиган хом ашёдан фойдаланилди. Ажратма маҳаллий фармацевтика корхоналарида кенг қўлланиладиган циркуляцион экстракция усулида олинди.

ҚЭни олиш технологиясининг ўзига хослигидан келиб чиққан ҳолда, 5x5 юнон-лотин квадратига асосланган тўрт омилли тажриба режаси қўлланилди. Чиқиш параметри этиб ҳосил бўлган маҳсулотдаги изосалипурпозидга нисбатан флавоноидлар йиғиндисининг фоизи белгиланди. Тажрибаларда қўлланиладиган ўзгарувчан омиллар ва уларнинг даражалари 1-жадвалда келтирилган.

1 жадвал

**Тажрибада қўлланилган омиллар ва уларнинг даражалари**

Омил ва унинг даражалари	Омил қиймати	Омил ва унинг даражалари	Омил қиймати
<i>Хомашёни майдалик даражаси (А омили)</i>		<i>Этил спирти концентрацияси (В омили)</i>	
a <sub>1</sub>	2-4 мм	b <sub>1</sub>	50%
a <sub>2</sub>	5-7 мм	b <sub>2</sub>	60%
a <sub>3</sub>	8-10 мм	b <sub>3</sub>	70%
a <sub>4</sub>	11-13 мм	b <sub>4</sub>	80%
a <sub>5</sub>	майдаланмаган х/а	b <sub>5</sub>	90%
<i>Гидромодуль (С омили)</i>		<i>Хомашёни бўктириш вақти (D омили)</i>	
c <sub>1</sub>	1:5	d <sub>1</sub>	3 соат
c <sub>2</sub>	1:10	d <sub>2</sub>	6 соат
c <sub>3</sub>	1:15	d <sub>3</sub>	9 соат
c <sub>4</sub>	1:20	d <sub>4</sub>	12 соат
c <sub>5</sub>	1:25	d <sub>5</sub>	15 соат

Кохрен мезонининг ( $f_1=2$ ;  $f=25$ ) 0,22 га тенг бўлган жадвал қиймати тажриба давомида ҳисобланган қийматдан (0,0864) каттароқ бўлиб, тажрибаларнинг эквивалентлигини тасдиқлайди.

Дунканнинг кўп даражали мезонидан фойдаланган ҳолда амалга оширилган кейинги ҳисоб-китоблар чиқиш параметрига таъсир қилиш нуқтаи назаридан А оми даражаларини (майдалик даражаси) қуйидаги қаторда жойлаштириш мумкинлигини аниқлашга имкон берди:  $a_1=a_2>a_3>a_4>a_5$ ; В омили (этанол концентрацияси) -  $b_1=b_2=b_3>b_5>b_4$ ; С омили (гидромодуль) -  $c_1=c_2=c_3>c_4>c_5$ ; D омили (хом ашёни бўктириш вақти) -  $d_4=d_3=d_5>d_2>d_1$ . Математик режалаштириш усули ёрдамида белгиланган шароитларда олинган экстрактда флавоноидлар йиғиндиси изосалипурпозидга нисбатан 28,02% ташкил қилди.

Экстракциянинг қўшимча босқичи сифатида изосалипурпозидни ажралиб чиқишига ультратовуш таъсири ўрганилди (2 жадвал).

2 жадвал

**Ультратовуш таъсирининг давомийлигини ажратма таркибидаги изосалипурпозидни миқдорига таъсири**

Аниқланган кўрсаткич	Ультратовуш таъсирининг давомийлиги			
	5 дақ	10 дақ	15 дақ	20 дақ
Изосалипурпозид миқдори, %	30,16	31,38	31,52	31,70

Олинган натижалар экстракция жараёнига 10 дақиқа давомидаги ультратовуш тўлқинлари таъсирини киритиш учун асос бўлди.

Олиб борилган тадқиқотлар асосида СБ ҚЭни олиш учун қуйидаги технология таклиф этилди: 5-7 мм гача майдаланган хомашё 50% этил спиртининг ярми билан «ойнасимон юза» ҳосил бўлгунча бўктирилади (гидромодуль 1:5) ва 9 соатга қолдирилади.

Бу вақтдан сўнг, бўктирилган СБ гулларига этанолнинг қолган қисми қўшилади ва масса экстракторга ўтказилади. «Ruian Xuanli Machinery Tank» экстракторида циркуляцион экстракция амалга оширилади ва охирида 10 дақиқа давомида ультратовуш тўлқинлари таъсир эттирилади. Экстракция тугаганидан сўнг, суюқ экстракт филтёр орқали ўтказилиб, қуйиб олинади ва бир суткага тиндириш учун қолдирилади. Сўнг суюқ экстракт такроран филтёрланади, қуюлтирилади ва 5% қолдиқ намлик қолгунча пуркагичли қуритгич ёрдамида қуритилади.

СБ ҚЭни олишнинг технологик схемаси 2-расмда келтирилган.



**Расм 2. СБ ҚЭни олишнинг технологик схемаси**

СБ ҚЭни олиш учун ишлаб чиқилган технология саноат шароитида «MALIKA LABORATORIES» МЧЖнинг ишлаб чиқариш базасида синовдан ўтказилди. Бунинг асосида субстанцияни ишлаб чиқариш учун тажриба-саноат регламенти тасдиқланди (ОПР 03873/04610617-1097-2023).

ҚЭнинг сифат назорати «Экстракты» (ГФ XIV, ОФС.1.4.1.21), «Extracts» (European Pharmacopoeia, 9<sup>th</sup> edition) фармакопея мақолалари талабларига мувофиқ олиб борилди. Олинган натижалар жадвал 3 да келтирилган.

Ўтказилган тадқиқотлар натижалари СБ ҚЭнинг ўрганилаётган сифат кўрсаткичларини меъёрий ҳужжатларда кўрсатилган талабларга мувофиқлигидан далолат беради.

Қуруқ экстрактнинг элемент таркибини ўрганиш индуктив боғланган плазмали масс-спектрометрия ICP MS усули ёрдамида амалга оширилди. ҚЭда 38 та элемент мавжудлиги аниқланди: улардан 8 таси эссенциал (ҳаётий муҳим) - (Co, Cr, Cu, Fe, Li, Mn, Se, Zn, Mo) ва 5 - шартли эссенциал (Li, V, Ni, B, As) элементлар гуруҳига киради.

## СБ ҚЭнинг сифат кўрсаткичларини аниқлаш натижалари

№	Аниқланган кўрсаткич	МХ бўйича меъёрлар	Натижалар
1	Ташқи кўриниши	ўзига хос ўтли ҳид ва аччиқ таъмга эга оч жигарранг аморф гигроскопик кукун	мос
2	Чинлиги	Экстрактни сувли эритмасининг 1-2 млга магний кукуни ва бир неча томчи концентранган хлорид кислота эритмаси кўшилади, қизил ранг пайдо бўлиши керак	мос
3	Қуритилганда йўқотилган оғирлик	5% кўп эмас	4,27%
4	Оғир металллар	Микдори белгиланган меъёрдан ошмаслиги керак (ДФ XIV ва ЖССТ)	мос
5	Микробиологик тозаллиги	1 г ҚЭда аэроб микроорганизмларнинг умумий сони $10^4$ КОЕ дан, замбуруғларнинг сони - $10^2$ КОЕ дан, сафрога чидамли энтеробактериялар $10^2$ КОЕ дан кўп бўлмаслиги керак. Шунингдек <i>Pseudomonas aeruginosa</i> , <i>Staphylococcus aureus</i> , <i>Escherichia coli</i> учрамаслиги керак. 25 г ҚЭда <i>Salmonella</i> авлодига мансуб бактериялар бўлмаслиги керак.	мос
6	Микдори	Изосалипурпозидга нисбатан флавоноидлар микдори 25% кам булмаслиги керак	31,38%

Объектдаги микдори бўйича аниқланган элементлар қуйидагича таснифланди (Полянская, 2005): 2 макроэлемент (K=25000 мкг/г, Ca=15000 мкг/г), 9 миллиэлемент (P=3500,00 мкг/г, Mg=3500,00 мкг/г, Na=1300,00 мкг/г, Al=540,00 мкг/г, Fe=230,00 мкг/г, B=170,00 мкг/г, Mn=55,00 мкг/г, Zn=41,00 мкг/г, Cu=12,00 мкг/г), 25 микроэлемент (Ba=7,5 мкг/г, Cr=5,00 мкг/г, Ni=4,60 мкг/г, Ga=3,70 мкг/г, V=2,00 мкг/г, Li=1,60 мкг/г, Mo=0,95 мкг/г, Sr=0,91 мкг/г, Pb=0,55 мкг/г, Sc=0,53 мкг/г, Zr=0,41 мкг/г, Ag=0,35 мкг/г, Co=0,35 мкг/г, As=0,28 мкг/г, Ti=0,25 мкг/г, Tl=0,13 мкг/г, Se=0,12 мкг/г, Rb=0,11 мкг/г, Y=0,11 мкг/г, Sn=0,094 мкг/г, Sb=0,065 мкг/г, Cs=0,064 мкг/г, Be=0,012 мкг/г, Pt<0,05 мкг/г, Au<0,05 мкг/г) ва 2 наноэлемент (In=Cd<0,01 мкг/г) .

СБ ҚЭдаги оғир металллар ва маргимушнинг амалда аниқланган микдорлари (жадвал 4) ДФ XIV ва ЖССТ талабларга тўлиқ мос келди.

Жадвал 4

## СБ ҚЭдаги оғир металллар ва маргимушнинг микдори

Элемент	ДФ XIV бўйича меъёр, мкг/г	ЖССТ талаблари бўйича меъёр, мкг/г	Амалдаги микдори, мкг/г
Қўрғошин, Pb	6,0	10,0	0,55
Кадмий, Cd	1,0	0,3	<0,01
Симоб, Hg	0,1	-	-
Маргимуш, As	0,5	1,0	0,28

Қуруқ экстрактнинг аминокислотали таркибини аниқлаш Steven A., Cohen David J. усули бўйича эркин аминокислоталарни ажратиб олиш, сўнг уларнинг фенилтиокарбамил ҳосилаларини синтез қилиш йўли билан амалга оширилди. Аминокислоталарнинг фенилтиокарбамил ҳосилаларини идентификацияси DAD-детекторли, колонка 75x4,6 mm Discovery HS C<sub>18</sub>

Agilent Technologies 1200 хроматографида ЮССХ усулида олиб борилди. Эритма А: натрий ацетатли буфер (рН 6,4), эритма В: ацетонитрил. Оқим тезлиги (А ва В эритмаларининг) 1,2 мл/дақ, детекция - 269 нм. Градиент %В/дақ: 1-6%/0-2.5 дақ; 6-30%/2.51-40 дақ; 30-60%/40,1-45 дақ; 60-60%/45,1-50 дақ; 60-0%/50,1-55 дақ.

Таҳлил қилинган ҚЭда 20 та аминокислота мавжудлиги аниқланган, улардан 10 таси – алмашинмайдиганлар гуруҳига киради. Аминокислоталарнинг умумий миқдори 6753,13 мкг/г ташкил этди, улардан 29,19% алмашинмайдиган аминокислоталарга, 70,81% эса мос равишда алмашинадиганларга тўғри келди. Алмашинадиган аминокислоталар орасида цистеин (990,05 мкг/г), глутамин кислотаси (888,45 мкг/г) ва пролин (694,46 мкг/г) кўп миқдорда мавжуд. Алмашинмайдиганлардан треонин (509,19 мкг/г), лизин (340,34 мкг/г), аргинин (298,85 мкг/г) ва гистидин (298,82 мкг/г) етакчи ўринларни эгаллайди.

Юқоридаги маълумотлар ҚЭнинг юқори биологик қийматидан далолат беради ва уни аминокислоталар, макро- ва микроэлементларнинг қимматли манбаи деб ҳисоблаш мумкин.

СБ ҚЭнинг клиник олди тадқиқотлари «Dori vositalarini standartlash ilmiy Markazi» МЧЖнинг илмий-тадқиқот бўлими негизида олиб борилди. Олинган натижалар таҳлил қилинган экстракт яққол намоён бўлган сафро ҳайдовчи фаолликга эгаллигини ҳамда ўткир токсик эмаслигини тасдиқлайди.

Олиб борилган тадқиқотлар натижалари асосида СБ ҚЭга КФМ ишлаб чиқилди ва ҳозирда ЎзР ССВ ҳузуридаги «Фармацевтика маҳсулотлари хавфсизлиги Маркази» Давлат муассасасида кўриб чиқилмоқда.


Диссертациянинг «Самарқанд бўзночи қуруқ экстракти асосида биологик фаол қўшимча ишлаб чиқиш» деб номланган учинчи боби капсула шаклидаги БФҚ таркибини илмий асослаш ва технологиясини ишлаб чиқишга, шунингдек, сифат кўрсаткичларини амалдаги меъёрий хужжатлар талабларига мувофиқлигини белгилашга бағишланган.

Дастлабки тадқиқотлар экстрактнинг структура- механик ва технологик хусусиятларини ўрганишга қаратилган бўлиб, улар ёрдамчи моддаларнинг тури ва миқдорини танлашни, шунингдек, технологик жараёни ишлаб чиқишни асослаш учун зарурдир.

ҚЭнинг структура-механик кўрсаткичларини ўрганиш. Расм 3 да келтирилган микрофотография натижалари СБ ҚЭ заррачалари кристаллитлар кўринишида эканлигини исботлайди, бунда алоҳида заррачаларнинг кенглиги 0,49 дан 5,67 мкм гача ва узунлиги 2,08 дан 11,46 мкм гачалиги аниқланган. Заррачаларнинг ўртача узунлигининг ўртача кенлигига нисбати 3:1 дан кам, яъни улар пластинкали шаклга эга ва анизодиаметрикдир.

Самарқанд бўзночи қуруқ экстрактининг технологик кўрсаткичларини аниқлаш ЎзР ДФ I нашри ва ДФ XIV нашрида (РФ) келтирилган усуллар бўйича амалга оширилди. Субстанция заррачаларини фракциялар бўйича нотекис тақсимланиши натижасида, уни "ўрта майда қуқунлар" тоифасига

киритилиши, конгломератлар ҳосил қилиш қобилияти, вибротебраниш билан ҳам, вибротебранишсиз ҳам сочилувчанликнинг қониқарсиз қийматлари (мос равишда  $0,39 \pm 0,09 \cdot 10^{-3}$  кг/с ва  $1,08 \pm 0,16 \cdot 10^{-3}$  кг/с), табиий оғиш бурчагининг юқори кўрсаткичи ( $53 \pm 3,1$  градус) ва б. капсула шаклидаги БФҚ технологиясини ишлаб чиқишда ёрдамчи моддалар мажмуасини киритиш ва нам донадорлаш усулини қўллаш зарурлигини кўрсатди.



**Расм 3. СБ ҚЭ намунасининг микрофотографияси: 70 (а), 140 (б) ва 280 (в) баробар катталаштириш, мос равишда**

Фармакологлар тавсиясига кўра БФҚ ишлаб чиқишда ҚЭ дозаси 0,2 г тенг танланди. Сочилувчан зичлик қийматидан келиб чиққан ҳолда, №1 размерли желатина капсулаларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқлиги аниқланди.

Капсула шаклида БФҚ учун 20 дан ортиқ таркиблар синаб кўрилди. 5-жадвалда таҳлил жараёнида технологик хоссалари ижобий қийматга эга бўлган капсуланадиган массаларнинг таркиблари келтирилди.

Жадвал 5

**СБ ҚЭ асосидаги капсуланадиган массаларнинг технологик кўрсаткичларини аниқлаш натижалари**

№	Таркиблар	Капсуланадиган массаларнинг технологик кўрсаткичлари					қолд. намлик, %
		сочилувчанлик, $10^{-3}$ кг/с	сочилувчан зичлик, кг/м <sup>3</sup>	табиий оғиш бурч., град	парчаланиши, дақ	0,2-0,5 мм ли фракциялар, %	
1	СБ ҚЭ 200 мг МКЦ 70 мг Na крахмал глик. 27 мг Магний стеарат 3 мг 70% этил. спирти	6,43±0,85	561,27±20,46	46,3±1,9	7,35±0,45	85,24±3,72	3,9±0,4
2	СБ ҚЭ 200 мг МКЦ – 50 мг Крахмал – 47 мг Магний стеарат 3 мг 90% этил. спирти	5,94±0,68	503,21±17,58	48,1±1,7	8,05±1,10	78,40±3,76	4,1±0,4
3	СБ ҚЭ 200 мг Лактоза 65 мг Na крахмал глик. 32 мг Магний стеарат 3 мг 90% этил. спирти	7,29±0,48	730,29±21,48	33,2±1,2	3,25±0,25	87,60±2,53	3,4±0,3
4	СБ ҚЭ 200 мг Лактоза 52 мг Кальций карбонат 10 мг Крахмал 35 мг Магний стеарат 3 мг 70% этил. спирти	7,85±0,38	766,14±22,04	31,1±1,5	4,15±0,40	91,31±2,26	3,2±0,4

5	СБ ҚЭ 200 мг Лактоза 97 мг Магний стеарат 3 мг 90% этил. спирти	6,31± 0,57	624,71± 18,92	35,2±1,5	5,10±0,35	79,08±1,48	2,9±0,3
6	СБ ҚЭ 200 мг Аэросил 25 мг Na крахмал глик. 72 мг Магний стеарат 3 мг 70% этил. спирти	5,72± 0,64	463,81± 20,72	42,6±1,3	6,05±0,55	73,27±2,86	2,2±0,3
7	СБ ҚЭ 200 мг Аэросил 40 мг Крахмал 57 мг Магний стеарат 3 мг 90% этил. спирти	5,34± 0,42	419,06± 14,43	43,8±1,7	6,40±0,45	70,19±2,67	2,4±0,2

Капсуладиган массаларнинг технологик кўрсаткичларини ўрганиш натижаларига асосан тўлдирувчи модда сифатида лактоза ва кальций карбонат аралашмасидан, дезинтегратор сифатида крахмалдан ва антифрикцион модда сифатида магний стеаратидан фойдаланиш мақсадга мувофиқлиги белгиланди (4-таркиб).


*Самарқанд бўзночи қуруқ экстрактини сақлаган капсулалар технологияси:* диаметри 150 мкм бўлган элакдан керакли микдорда ҚЭ, лактоза, кальций карбонат ва магний стеарат эланади ва тортиб олинади. Кукунларни тайёрлашнинг умумий қоидаларига кўра, ҚЭ, лактоза, крахмал ва кальций карбонат бир хил масса хосил бўлгунча аралаштирилади. Доимий аралаштириб турган ҳолда 70% этанол билан намланади. Тайёрланган масса қуритгич шкафида 40-50 °С ҳароратда 10-15% қолдиқ намлик қолгунча қуритилади. Сўнг масса ғалвирдан ўтказиб донадорланади ва оптимал қолдиқ намлик (2-3%)га етгунча қуритгич шкафида қуритиш давом эттирилади. Тайёр бўлган масса магний стеарат билан упаланади, сўнгра 0,3 г 1 размерли капсулаларга қадоқланади.

*Қуруқ экстракт ва капсуладиган массанинг нам ютиш хоссаларини қиёсий ўрганиш.* Таҳлил натижаларига асосан ҚЭ юқори гигроскопик эканлиги исботланган. Бунда, ташқи муҳитнинг намлиги 58% га тенг бўлганда экстракт намунаси сочилувчанлик хусусиятини тадқиқотларнинг 2 кунда, намлик 79% ва 90% га тенг бўлганда эса – 1 куннинг узида, 9,6% ва 19,3% намликни ютган ҳолда йўқотди. Максимал намлик (100%) сақлаган эксикатордаги намуна эса шу вақтнинг ўзида нафақат сочилувчанлик хусусиятини йўқотди, балки 25,3% намликни тортиб, чўзилувчан массага айланди. Бундай ҳолат бошқа эксикаторлардаги намуналарда 2-чи кун (90% нисбий намлик), 5-чи кун (79% нисбий намлик) ва 6-чи кун (58% нисбий намлик)да кузатилди (расм 4).

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, капсуладиган масса таркибини танлашда субстанциянинг нам ютиш хусусиятини камайтириш имконини берадиган ёрдамчи моддалар мажмуасидан фойдаланилди.

Қиёсий тадқиқот натижаларига кўра, капсуладиган массанинг нам ютиш хусусияти СБ ҚЭнинг ушбу кўрсаткичлари билан солиштирилганда

1,39 баробар (нисбий намлик 58%), 1,37 баробар (нисбий намлик 79%), 1,40 баробар (нисбий намлик 90%) ва 1,44 баробар (100% нисбий намлик) камайгани аниқланди. 58% ва 100% нисбий намликдаги натижалар расм 4 да келтирилган.



Расм 4. СБ ҚЭ ва унинг асосидаги капсуладиган массанинг 58% (а) ва 100% (в) нисбий намликда нам ютиш кинетикасини қиёсий ўрганиш натижалари

Шу билан бирга ҚЭ ва унинг асосидаги капсуладиган массанинг технологик хоссалари қиёсий ўрганилди (жадвал 6).

Жадвал 6

СБ ҚЭ ва капсуладиган массанинг технологик хоссалари қиёсий ўрганиш натижалари

Аниқланган кўрсаткичлар	Ўлч. бирлиги.	Олинган натижалар	
		куруқ экстракт	капсул. масса
Фракцион таркиб:	%		
+1000 мкм		0,60	0,39
-1000 мкм + 500 мкм		1,15	3,11
- 500 мкм +355 мкм		2,47	34,78
- 355 мкм – 250 мкм		26,08	31,16
- 250 мкм + 180 мкм		41,92	25,37
-180 мкм + 63 мкм		21,16	4,45
- 63 мкм		6,62	0,74
Вибротобраниш билан сочилувчанлик	$10^{-3}$ кг/с	0,39±0,09	6,23±0,46
Вибротобранишсиз сочилувчанлик	$10^{-3}$ кг/с	1,08±0,16	7,85±0,38
Зичланишгача бўлган сочилувчан ҳажм	см <sup>3</sup>	50,16±2,14	43,24±2,51
Зичланишдан кейинги сочилувчан ҳажм	см <sup>3</sup>	41,08±1,92	32,69±2,18
Зичланишгача бўлган сочилувчан зичлик	кг/м <sup>3</sup>	496,1±22,6	593,37±19,60
Зичланишдан кейинги сочилувчан зичлик	кг/м <sup>3</sup>	605,3±19,2	766,14±22,04
Табиий оғиш бурчаги	градус	53±3,1	31,1±1,5
Прессланиш коэффициенти	%	18,4±0,1	25,6±1,8
Қолдиқ намлик	%	3,92 ±0,27	3,2±0,4

Олинган натижаларга кўра, капсулаланган масса заррачалари ҚЭ билан солиштирганда сезиларли даражада қатталашган: умумий массанинг 90% дан ортиғи 180 дан 500 мкм гача бўлган зарраларга тўғри келди. Капсуладиган массанинг ўртама сўлчамлари ҳам 1,5 баробарга ошиб, 330,59 мкм ташкил этди. Капсуладиган массанинг сочилувчанлиги сезиларли даражада яхшиланиб,  $6,23 \pm 0,46 \cdot 10^{-3}$  кг/с (вибротобранишсиз) ва  $7,85 \pm 0,38 \cdot 10^{-3}$  кг/с (вибротобраниш билан)ни ташкил этди, бу эса субстанцияга нисбатан 16,0 ва 7,3 баробар кўпдир. Шунга кўра, табиий оғиш бурчаги 22 градусга камайди

ва  $31,1 \pm 1,5$  градусни ташкил этди. Сочилучан зичлик ҳам қоникарли кўрсаткичга эга бўлди: субстанцияга нисбатан у 1,19 марта (зичланишгача) ва 1,27 марта (зичланишдан кейин) ошди. Мос равишда, сочилувчан ҳажм кўрсаткичи  $50,16 \pm 2,14$  см<sup>3</sup> дан  $43,24 \pm 2,51$  см<sup>3</sup> гача (зичланишгача) ва  $41,08 \pm 1,92$  см<sup>3</sup> дан  $32,69 \pm 2,18$  см<sup>3</sup> гача (зичланишдан кейин) камайди, бу эса прессланиш коэффицентини 1,39 баробар кўпайишига олиб келди.

Шундай қилиб, ҚЭга нисбатан капсуланадиган массанинг нам ютиш хусусиятининг пасайиши ва технологик кўрсаткичлари сезиларли даражада яхшиланиши ушбу экстракт асосидаги капсулаларнинг таркибини танлаш ва технологиясини ишлаб чиқишга илмий асосланган ёндашувни тасдиқлайди.

Капсулаларнинг сифат назорати амалга оширилди. БФҚ учун биологик фаол моддаларнинг миқдорини аниқлаш талаб этилмаслигига қараб, биз ушбу тадқиқотларни ҳам ўтказишга қарор қилдик.

Олинган натижаларга кўра, таҳлил қилинган 1-чи размерли капсулалар ичидаги масса оч жигарранг бўлиб, флавоноидларга ижобий реакция берди (магний кукуни ва концентрланган HCl эритмаси билан рангли реакция). Капсулаларнинг ўртача оғирлиги 0,368 г ни ташкил этди (талаб бўйича 0,347-0,403 г бўлиши керак) ва четланиш белгиланган 7,5% дан ошмади ( $\pm 0,80\%$ ). Капсулаланган массанинг ўртача массаси ҳам мақбул чегаралар ичида эди ва  $0,294 \pm 2\%$  ни ташкил этди. Капсулаларнинг парчаланиш вақти 8 дақ 10 сон ташкил қилди. Изосалипурпозидга нисбатан флавоноидлар йиғиндиси 26,6% ташкил қилди, бунда меъёр бўйича 25% кам булмаслиги керак эди. Шундай қилиб, СБ ҚЭ асосидаги капсулалар сифат кўрсаткичлари бўйича ЎЗР ДФ I наشري ва ДФ XIV (РФ) талабларига жавоб беради.

Диссертациянинг «Самарқанд бўзночи қуруқ экстракти ва унинг асосидаги БФҚнинг яроқлилик муддатини белгилаш» деб номланган тўртинчи бобида ҚЭ ва капсула шаклидаги БФҚнинг турғунлигини аниқлаш бўйича тадқиқотлар келтирилган. Ушбу тажрибалар узоқ муддатли усул ёрдамида турли қадоқлаш материаллардан (ҚЭ учун -3 хил, БФҚ учун – 2 хил) фойдаланган ҳолда олиб борилди. Аниқланишича, барча турдаги қадоқлаш материаллари СБ ҚЭ ва капсула шаклидаги БФҚни сифат ва миқдор кўрсаткичларининг доимийлигини 2 йил давомида сақлашга имкон беради.

Олинган натижалар асосида «МАКРО FARM ANDIJAN» МЧЖ билан ҳамкорликда СБ ҚЭ асосидаги «Холенорм» БФҚга Техник шарт (Ts 25201521-07:2023) ва Технологик йўриқнома (ТИ 25201521-07:2023) ишлаб чиқилиб, Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги Қўмитаси томонидан тасдиқланган.

## ХУЛОСАЛАР

1. Ўзбекистон фармацевтика бозорининг маркетинг тадқиқотлар натижалари хорижий фармацевтика корхоналари сафро ҳайдовчи препаратларни қабул қилиш учун қулай бўлган дори шаклида ишлаб чиқаришини, маҳаллий корхоналар эса доривор ўсимлик хом ашёсини йиғиш

ва қадоклаш билан чекланиб қолишини кўрсатди. Бу эса ушбу фармакотерапевтик гуруҳга оид препаратларни рационал ва оммабоп дори шаклида ишлаб чиқишни ва маҳаллий корхоналарга жорий қилишни мақсадга мувофиқлигини исботлайди.

2. 5x5 юнон-лотин квадратида асосланган тажрибанинг тўрт факторли режасидан фойдаланган ҳолда СБ ҚЭга флавоноидлар йиғиндисининг (изосалипурпозидга нисбатан) тўлиқ ўтиши омилларнинг қуйидаги кўрсаткичларида кузатилганлигини аниқлаш имконини берди: хом ашёни майдалиқ даражаси -5-7 мм, экстрагент - 50% этил спирти, гидромодул 1:5, хом ашёни бўктириш вақти - 9 соат, ултратовуш таъсири - 10 дақиқа. Олинган натижалар асосида экстракт олишнинг ишлаб чиқилган технологияси «MALIKA LABORATORIES» МЧЖ негизида саноат шароитида синовдан муваффақиятли ўтказилди.

3. СБ ҚЭнинг сифат кўрсаткичлари қуйидаги фармакопея мақолалари талабларига мувофиқлиги исботланди: «Экстрактлар» (ДФ XIV, УФМ.1.4.1.21), «Extracts» (European Pharmacopoeia, 9<sup>th</sup> edition). Экстрактдаги флавоноидлар йиғиндисининг миқдори (изосалипурпозидга нисбатан) 25% кам бўлмаслиги белгиланди. Шунингдек, 38 та микро- ва макроэлементларнинг мавжудлиги исботланиб, улардан 8 си эссенциал ва 5 си шартли эссенциал. Шу билан бирга, маргимуш ва оғир металлларнинг миқдори ДФ XIV ва ЖССТ талабларига жавоб берди. Аминокислоталар таҳлили натижаларига асосан СБ ҚЭда 20 та аминокислота ( $\Sigma$  6753,134 мкг/г) борлиги, улардан 10 таси алмашинмайдиган эканлиги белгиланди.

4. СБ ҚЭни сақлаган БФҚ учун таркиб илмий асосланди ва технологияси таклиф қилинди. Капсуланадиган массага тўлдирувчи сифатида лактоза ва кальций карбонат аралашмаси, шунингдек, дезинтегратор сифатида крахмални киритилиши субстанциянинг нам ютиш хусусиятини 1,39 марта (нисбий намлик 58%) камайтириши исботланди. Таҳлил қилинган капсулалар барча сифат кўрсаткичлари бўйича ЎзР ДФ I ва ГФ XIV жавоб бериши белгиланди.

5. «Dori vositalarini standartlash ilmiy Markazi» МЧЖда олиб борилган СБ ҚЭнинг клиник олди фармакологик тадқиқотлари унинг яққол намоён бўлган сафро ҳайдовчи фаоллигининг мавжудлигини ҳамда ўткир токсиклиги йуқлигини исботлади. СБ ҚЭ ва унинг асосидаги капсулалар учун барча турдаги қадоклаш материалларда яроқлилик муддати 2 йилга тенг деб белгиланди.

6. СБ ҚЭни тиббиёт амалиётида қўллашга рухсат олиш мақсадида корхона фармакопея мақоласи лойиҳаси ишлаб чиқилди ва ЎзР ССВ ҳузуридаги «Фармацевтика маҳсулотлари хавфсизлиги Маркази» Давлат муассасасига кўриб чиқиш учун топширилди.

«Холенорм» биологик фаол қўшимча учун Техник шарт (Ts 25201521-07:2023) ва Технологик йўриқнома (ТИ 25201521-07:2023) ишлаб чиқилиб, Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги Қўмитаси томонидан тасдиқланди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSC.04/30.12.2019.FAR.32.01  
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ  
ТАШКЕНТСКОМ ФАРМАЦЕВТИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

---

**ТАШКЕНТСКИЙ ФАРМАЦЕВТИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ**

**САДИКОВА РАНОХОН КАРИМОВНА**

**ПОЛУЧЕНИЕ СУХОГО ЭКСТРАКТА БЕССМЕРТНИКА  
САМАРКАНДСКОГО И РАЗРАБОТКА ТЕХНОЛОГИИ КАПСУЛ  
НА ЕГО ОСНОВЕ**

**15.00.01 – технология лекарств**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО ФАРМАЦЕВТИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент-2024**

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Министерстве высшего образования, науки и инноваций Республики Узбекистан за номером B2022.1.PHD/Far88

Диссертация выполнена в Ташкентском фармацевтическом институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета ([www.pharmi.uz](http://www.pharmi.uz)) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)).

**Научный руководитель:** Кариева Ёкут Саидкаримовна  
доктор фармацевтических наук, профессор

**Официальные оппоненты:** Тухтаев Хаким Рахманович  
доктор фармацевтических наук, профессор

Халилов Равшанжон Муратджанович  
доктор технических наук, ведущий научный сотрудник

**Ведущая организация:** Ташкентский химико-технологический институт

Защита диссертации состоится «6» марта 2024 года в 15<sup>00</sup> часов на заседании Научного совета DSc.04/30.12.2019.Far.32.01 при Ташкентском фармацевтическом институте (Адрес: 100015, г. Ташкент, Мирабадский район, ул. Айбека, 45. Тел.: (+99871) 256-37-38; факс: (+99871) 256-45-04; e-mail: [info@pharmi.uz](mailto:info@pharmi.uz)).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского фармацевтического института (регистрационный номер 53). Адрес: 100015, г. Ташкент, Мирабадский район, ул. Айбека, 45. Тел.: (+99871) 256-37-38.

Автореферат диссертации разослан «19» февраля 2024 года.  
(Реестр протокола рассылки № 53 от «19» февраля 2024 года).



**К.С.Ризаев**  
Председатель Научного совета  
по присуждению ученых степеней,  
д.м.н.

**Н.С.Нормахаматов**  
И.о. ученого секретаря Научного совета  
по присуждению ученых степеней,  
д.х.н., с.н.с.

**Ф.Ф.Урманова**  
Председатель научного семинара при  
Научном совете по присуждению  
ученых степеней, д.ф.н., профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** По данным Всемирной организации здравоохранения у каждого четвертого жителя планеты в возрасте от 60 до 70 лет обнаруживаются камни в желчном пузыре, а после 70 лет – у каждого третьего. В структуре заболеваний пищеварительной системы желчекаменная болезнь составляет 15-20%, а также в 30% случаев является причиной госпитализации в хирургические стационары. В связи с этим для лечения и профилактики данного заболевания важно расширение ассортимента эффективных и безопасных лекарственных средств и биологически активных добавок (БАД) на основе лекарственных растений, установление норм качества, проведение фармакотерапевтических исследований с целью доказательства их эффективности.

В мире ведутся научные исследования по направлению «фармацевтический ремейк», что подразумевает всестороннее изучение растений, применяемых в народной медицине и обоснование их использования в официальной медицине, а также внедрение в фармацевтическое производство субстанций, лекарственных препаратов и БАД на их основе. В связи с этим особое внимание уделяется исследованиям по разработке технологий, обеспечивающих максимальное высвобождение биологически активных веществ (БАВ), содержащихся в лекарственных растениях, оценке качества получаемого продукта в соответствии с требованиями нормативных документов, а также обеспечению их стабильности.

В результате проводимых в нашей республике реформ в области фармацевтики достигаются определенные результаты по созданию плантаций для культивирования и выращивания лекарственных растений, проведению научных исследований по изучению их химического состава, выделению основных групп БАВ, разработке безопасных ресурсо- и энергосберегающих технологий лекарственных средств и БАД. В 22-й цели стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы определены такие неотложные задачи, как «увеличение объема производства продукции фармацевтической промышленности в три раза и доведение уровня обеспечения внутреннего рынка отечественными лекарственными средствами до 80 процентов»<sup>1</sup>. В связи с этим важно расширение ассортимента импортозамещающих, выгодных в экономическом аспекте лекарственных средств и БАД на основе отечественного сырья, установление терапевтической активности и безопасности, а также налаживание их производства отечественными фармацевтическими предприятиями.

---

<sup>1</sup> Указ Президента Республики Узбекистан № УП-60 от 28 января 2022 года «О стратегии развития нового Узбекистана на 2022 - 2026 годы»

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных Постановлением Президента Республики Узбекистан № ПП-4670 от 10 апреля 2020 года «О мерах по охране, культурному выращиванию, переработке дикорастущих лекарственных растений и рациональному использованию имеющихся ресурсов», № ПП-4668 от 10 апреля 2020 года «О дополнительных мерах по развитию народной медицины в Республике Узбекистан», № ПП-4901 от 26 ноября 2020 года «О мерах по расширению масштаба научных исследований о выращивании и переработке лекарственных растений, развитии налаживания их семеноводства», Указом Президента Республики Узбекистан № УП-55 от 21 января 2022 года «О дополнительных мерах по ускоренному развитию фармацевтической отрасли республики в 2022-2026 годах», а также другими нормативно-правовыми документами, принятыми в данной сфере.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики VI. «Медицина и фармакология».

**Степень изученности проблемы.** В области изучения факторов, влияющих на высвобождение БАВ, получении растительных экстрактов в различных агрегатных состояниях, их стандартизации, разработки лекарственных средств и БАД на их основе, определении стабильности особое значение имеют научные исследования ведущих ученых республики З.А.Назаровой, У.М. Азизова, М.У.Усуббаева, Х.М. Комилова, Ф.Ф.Урмановой. Исследования по фармакогностическому изучению и фитохимическому анализу бессмертника самаркандского были проведены Х.Х.Холматовым, а изучение анатомического строения растения – О.К.Хожиматовым.

